



XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94), (76) 221-74-81)

2021 йил «25» июль

VI-31-52-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари ижроси ҳолати, 2021 йилнинг I ярим йиллиги давомида амалга оширилган норма ижодкорлиги, давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда ҳуқуқий тарғибот ишларини янада кучайтириш тўғрисида

Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини таъминлашда “Ijro.gov.uz” ижро интизомига тўлиқ риоя қилиш, норма ижодкорлиги фаолиятини сифатли ташкил этиш, изчил ва бир хил ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш, ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ҳуқуқий тарғибот ишларини кенгроқ амалга ошириш тўғрисида Сурхондарё вилояти Адлия бошқармаси бошлиғи С.У.Саттаровнинг ҳисобот ва таклифлари Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссия ҳузурида эшитилганлигини ва билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олиб, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши **қарор қилади:**

1. Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссиянинг 2021 йил 8 июлдаги ЗООМ дастури орқали ўтказилган йиғилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Сурхондарё вилояти Адлия бошқармаси бошлиғи С.У.Саттаровнинг вилоятда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари ижроси ҳолати, 2021 йилнинг I ярим йиллиги давомида амалга оширилган норма ижодкорлиги ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати ва ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича ЗООМ дастури орқали берган ахбороти инобатга олинсин.

3. Амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамай вилоятдаги давлат органлари ва ташкилотларида “ijro.gov.uz” ижро интизомига тўлиқ риоя этилмаётганлиги, ҳусусан, 1 июль куни ҳолатига вилоят бўйича умумий топшириқлар (5652 та)га нисбатан 1000 таси муддати ўтиб, ижроси таъминланган бўлса, 45 таси ижроси таъминланмаганлиги, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги борасидаги фаолияти, давлат органлари ва ташкилотларининг қонун ҳужжатларини ижрочиларга ва аҳолига етказиш ҳамда ҳуқуқий тарғибот тадбирларини амалга ошириш борасидаги ишлари лозим даражада ташкил этилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

4. Барча туман (шаҳар) ҳокимликлари ва халқ депутатлари Кенгашларига улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий тусдаги ҳамда ер ажратиш тўғрисидаги қарорлари “e-qaror” тизими орқали қабул қилиниши ҳамда мунтазам ҳокимликларнинг расмий веб-сайтларида жойлаштириб борилаётганлиги устидан қатъий назоратга олиш вазифаси юклатилсин.

5. Барча вилоятдаги давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари:

ўз соҳасини тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларини ижрочиларга ҳамда аҳолига етказиш юзасидан тарғибот тадбирларини вилоят Адлия бошқармаси ва туман (шаҳар) адлия бўлимлари билан ҳамкорликда олиб борсин;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш ҳамда бу соҳада юзага келаётган ҳуқуқий муаммолар, қонун ҳужжатларини қўллашдаги қарама-қаршиликлар бўйича белгиланган тартибда адлия органларига таклиф бериб борилишини таъминласин.

6. Халқ депутатлари вилоят, (туман) шаҳар Кенгашлари депутатларига фаолиятлари давомида ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича дуч келган қонун ҳужжатларидаги бўшлиқ ва қарама-қаршиликлар бўйича ўз таклифларини адлия органларига киритиб бориш тавсия этилсин.

7. Вилоятда фаолият юритаётган оммавий-ахборот воситалари раҳбарларига аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида таҳлилий маълумотлар, мақолалар ва ахборотлар бериб боришни таъминлаш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси (А.Эшмуратов) ва вилоят ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

9. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Кенгаш раиси



Bobolov T.A.